

Аҳоли турмуш даражаси ва хизмат кўрсатиш соҳасини шакллантиришга оид назарий ёндашувлар

Теоретические подходы к формированию уровня жизни и услуг

Theoretical approaches to the formation of living standards and services

Юлдуз УРУНБАЕВА,
СамИСИ иқтисодий фанлари .ф.ф.док., доцент.

Аннотация

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун-моҳияти, уни жадал ривожлантиришининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига алоҳида таъкидлаб ўтилган.

В статье подчеркивается сущность сферы услуг и социально-экономическое значение ее стремительного развития.

The article emphasizes the essence of the service sector and the socio-economic importance of its rapid development.

Янги Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши ва бош мақсади ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда эса хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни катта. Чунки, соҳада янги иш ўринлари яратиш кам харажат, муддати ҳам қисқа. Афсуски, шу кунларда хизмат кўрсатиш соҳасининг салоҳиятидан етарлича фойдаланилаётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йил 21 апрелда бўлиб ўтган видеоселекторда ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 500 миллион доллар ёки 5,5 триллион сўм йўналтирилиши таъкидланди¹. Ўша кунни давлатимиз раҳбари томонидан барча ҳудудларда соҳани ривожлантириш вазифаси ҳам қўйилди. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига хизматлар ҳажмини йил якунида 2-3 бара-

вар ошириш, бунинг учун ҳафталик назорат ўрнатиш, Тошкент шаҳрида эса хизматлар ҳажмини камида 3 бараварга ошириш, шаҳардаги 524 та маҳалла кесимида дастур қабул қилиш вазифаси топширилди². Шубҳасиз, давлат раҳбари томонидан қўйилган бу вазифалар иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва маданиятини юксалишига хизмат қилади.

Аҳолининг турмуш даражаси кишилар ҳаётининг кўп қирраларини мужассамлаштирган мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория, инсонлар эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри ҳисобланади³. Ҳар бир одамнинг қанча миқдорда, қандай сифатда товар ва хизмат истеъмол қилиши турмуш даражаси сифатида тавсифланади. Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезони ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражасини ифода-

Калит сўзлар: аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, пандемия, талаб, истеъмол, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлари.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йилнинг 21 апрелида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масаласи бўйича видеоселектор йиғилиши бўйича ахборот. // “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 23 апрель 83-84-сон. – 1 бет.

² Ўша жойда. // “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 23 апрель, 83-84-сон. – 1 бет.

³ Urunbaeva Yulduz Pirnazarovna. Increasing the impact of service sector on the living standards of population in innovative economy environment <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10387/5598> 2020. 05.

лашда бир-бирига яқин ёки боғлиқ бир қатор атамалар мавжуд. Турмуш шароити, турмуш сифати, турмуш тарзи, турмуш фаолияти хавфсизлиги, меҳнат фаолияти сифати, аҳоли фаровонлиги тушунчалари шу жумладан. Мазкур атамалар бир мазмунни англатгандай туюлса ҳам баъзан улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмунни бир-биридан фарқ қилади. Фикримизча, улар орасида “аҳоли турмуш даражаси” тушунчаси муҳимроқ аҳамиятга эга.

Иқтисодчи олимларнинг аҳоли турмуш даражаси тушунчаси шаклланишида товар ва хизматларнинг роли ҳақида турли қарашлари мавжуд. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг кўпчилиги аҳоли турмуш даражасини мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория деб эътироф этган ҳолда мазмун-моҳиятини турлича таърифлайди.

Ҳозирги кунда ҳар қайси мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Аҳолининг 45-50 фоизи мазкур соҳада фаолият юритади. Истеъмол харажатларининг ҳиссаси ҳам қарийб 30-35 фоизга етиб, турмуш даражасини шакллантиришда бош омилга айланганига қарамай “аҳоли турмуш даражаси” тушунчаси таърифларда ёрқин ифодасини топмаган. Кўп таърифлар ҳали хизматларнинг роли муҳим бўлмаган, моддий неъматлар етакчи ўринни эгаллаган даврларда вужудга келгани сабабли бугунги ўзгаришларни тўла акс эттирмаган. Фикримизнинг исботи сифатида баъзи таърифларни келтириб ўтаемиз. “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида аҳолининг турмуш (фаровонлик) даражаси қуйидагича изоҳланган: “Кишилар ҳаётини эҳтиёжларини иқтисодиёт ривожининг муайян ҳолатида нақадар қондирилиши турмуш даражаси билдиради”⁴. Изоҳда умумий эҳтиёжлари ҳақида сўз юритилгани кундай равшан. Лекин хизматларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси акс эттирилмаган. Одатда адабиётларда аҳоли турмуш даражасига берилган таърифларда асосан иқтисодий категория сифатида қараш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, айрим тадқиқотчилар “Аҳоли турмуш даражаси уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъмин-

ланиши, кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин”⁵, деб таъриф берган. Айнан шунга ўхшаш таърифни В.И. Гурев муаллифлигида чоп этилган ўқув қўлланмада⁶, А.В. Сиденко, М.В. Матвеевалар тайёрланган дарсликда⁷ ҳам учратиш мумкин. Айрим олимлар маълум даражада аниқлик киритиб, “Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди”⁸, “Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади”. Мазмун-моҳиятига кўра таърифларга ватандошимиз Б.К. Ғойибназаров томонидан келтирилган назарий қарашлар ҳам анча яқин туради: “Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маиший эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади”⁹.

Таърифлар орасида М.Г. Назаровнинг “Аҳоли турмуш даражаси бу – инсонлар ҳаёт фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади”¹⁰ деган фикр эътиборга молик.

Барча маҳаллий ва халқаро олимларнинг фикрини умумлаштириб, аҳоли турмуш даражасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: аҳоли турмуш даражаси – кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у аҳолининг моддий ва маънавий неъматлар, турли-туман хизматлар билан таъминланганлик даражаси (истеъмол ҳажми) ҳамда қулай ва хавф-хатарсиз ҳаёт кечириш учун шароитнинг мавжудлиги билан ўлчанади. Аҳоли турмуш даражаси миқдор ва сифат жиҳатларига ҳам эга. Шунинг учун “турмуш даражаси” келтирилган таърифлар келиб чиқиб, бу категориялар ўта мураккаб ва кўп қиррали мазмунга эга эканига ишонч ҳосил қиламиз¹¹.

⁴ Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisid-Moliya, 2014. – 388-б.

⁵ Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия. 2002. – 367-б.

⁶ “Турмуш даражаси – мураккаб комплекси ижтимоий – иқтисодий категория бўлиб, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодалайди” (таржима муаллифники). Гурев В.И. Основы социальной статистики. Методы. Системы показателей. Анализ. Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, – Учеб.пособие. – М.: Финансы и статистика, 2011. – С 67.

⁷ Сиденко А.В., Матвеева М.В. Международная статистика. Учебник. М.: Дело Сервис, 2009. – С 141.

⁸ Абдуллаев Ё.А. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Статистика: – Т., 2011. – 181-б.

⁹ Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. – Т.: Фан, 2005. – 5-б.

¹⁰ Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: ЮНИТИ-ДАНА 2005. – С.57.

¹¹ Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент: ФАН нашриёти. 2013 й. 156-б.

Бугунги дунёда инсонни исталган вақтда, исталган жойда хилма-хил сифатли хизмат кўрсатишларсиз тасаввур қилиш қийин. Кундан кунга хизматлар доираси кенгайиб, анъанавийлик билан бир қаторда янги, замонавий турлари пайдо бўлмоқда ва ривожланиб бормоқда. Компьютер, интернет, консалтинг, суғурта, банк ва қатор янги-янги ижтимоий хизматлар инсон турмуш даражаси ҳамда сифатини оширишда муҳим омилга айланмоқда.

Жамият миқёсда ва уй ҳўжаликларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга қараб бир давлат ёки мамлакатлараро турмуш даражаси ижтимоий қатламлар ҳамда гуруҳлар ўртасида фарқ қилади. Масалан, АҚШ, Дания, Япония, Буюк Британияда аҳоли турмуш даражаси ва сифати иқтисодий қолоқ мамлакатлар Конго, Мозамбик, Сьера-Леоне қараганда бир неча бор юқори. Демак, иқтисодий тараққиёт, шу жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши таъсирида аҳолининг турмуш даражаси шаклланади. Бу омиллар табиий-иқлимий шароит ва захиралар (инсон, меҳнат, ишлаб чиқариш, молиявий, ахборот, маънавий) бор ёки йўқлигига ҳам боғлиқ. Баъзи ривожланган давлатлар (Япония, Швейцария) табиий захира кам бўлишига қарамай энг бой ва аҳоли турмуш даражаси юқори. Аҳолиси кўп (АҚШ, Германия, Япония) ва кам (Швейцария, Финляндия, Люксембург) давлатларида ҳам фаровонлик яхши.

Бозор иқтисодиётида инсон (аҳоли) барча товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, сотувчиси вазибалари бажаради. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти эса аҳолининг манфаати, та-

лаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос келадиган ва жамият талабларига жавоб берадиган турмуш даражаси концепцияси яратилди. Концепцияни шакллантиришда жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган турмуш сифатининг айрим қоидалари ўз ифодасини топди. Тарихий нуқтаи назардан концепция инсон ҳаётининг иқтисодий-ижтимоий параметрларини акс эттирувчи меҳнат шароити ва сифати, бандлик, турмуш даражаси асосида юзага келган.

Инсон соғлиги, оилавий муносабатлари, касби, моддий аҳволи, қобилияти ҳаётдан қониқиш ҳосил қилишда муҳим компонент ҳисобланади. Шунинг учун турмуш сифати концепцияси шахснинг фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, жамиятдаги шароитларини ҳамда атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур муносабатлар эҳтиёжларнинг қондирилганлиги ва кутилган имкониятларга мослигини ифодалайди.

Аҳоли турмуш даражасининг юқори бўлишида билим ва касбий даражасининг юқорилиги, иқтисодий фаоллиги, тадбиркорлиги, шунингдек, ижтимоий жамиятдаги муносабатларнинг мукамаллигига ҳам боғлиқ, деб ўйлаймиз. Бунга Япониядаги иқтисодий тараққиётни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ердаги ютуқлар, энг аввало, таълим тизими, аҳолининг иқтисодий фаоллиги, меҳнатсеварлиги, корхоналарда меҳнатни оқилона ташкил этишнинг мевасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси” -Т.: “O`zbekiston” нашриёти, 2021 й. 464-б.
2. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари” - С.: Зарафшон, 2017 й. 299-б.
3. Мухаммедов М.М., Ю.П. Урунбаева. Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. “Зарафшан”, 2010 й. -131-б.
4. Пардаев М.Қ. Урунбаева Ю.П. ва бошқалар. Covid-19 Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари. Могография. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт- матбаа уйи”, 2022 й. 516-б.
5. Пардаев М.Қ. Урунбаева Ю.П. ва бошқалар. Макроиқтисодий таҳлил. Ўқув қуланма. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2021 й. 396-б.
6. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: “ФАН”, 2013 й. 156-б.